



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 217 (13.814)

Баҳоси эркин нарҳда

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга ташрифининг иккинчи кунини Шимоли-Ғарбий ҳарбий округга қарашли Нукус кенгазониди бўлди. Бу ерда Хавфсизлик кенгазининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси билан танишди, ҳарбийлар билан мулоқот қилди.

Миллий армиямиз жанговар қудратини ошириш, ҳарбий хизматчиларга муносиб шароитлар яратиш доимий эътиборда. Кейинги йилларда бу борадаги ислоҳотлар янги босқичда давом эттирилмоқда.

Хусусан, ҳарбий салоҳиятни ошириш мақсадида қўшинларни замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа билан таъминлаш янги босқичга кўтарилди. Назарий билимларни амалиётда синовдан ўтказишга эътибор кўчатилди. Жорий йилнинг ўзида дала полигонларида жанговар ҳолатларга яқин шароитда амалий машғулот ўтказиш сезиларли даражада ошди. Бу ҳарбий хизматчиларнинг психологик ва руҳий тайёрлигини мустаҳкамлаш, миллий армиямиз салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нукус гарнизони ҳудудидаги ҳарбий қисм ётоқхонаси, ўқув корпуслари, ҳарбий савдо мажмуаси, ошхона, шунингдек, ҳарбий шаҳарчадаги боғча, мактаб ва яшаш уйлари таъмирланди. Кичик ўқув полигони ва чавандозлик тайёрлиги майдони капитал реконструкция қилинди. Теннис, футбол, волейбол майдончаси янгидан қурилди.

Капитал реконструкция қилинган ўқув корпусининг бирида мuddатли ҳарбий хизматчилар компьютер савдонлиги, тадбиркорлик курслари, хорижий тиллар, математика ва физика бўйича бўйича қўрилди.

Қисқача айтганда, бу ерда мuddатли ҳарбий хизматчилар келажақда ўзлари учун зарур билимга эга бўлади.

Иккинчи ўқув корпусида мерганлик, артиллерия, ҳаво ҳужумидан мудофаа, ҳарбий топография, ҳарбий тактик махсус тайёрларлик ва алоқа бўйича назарий билимини оширади. Бундан ташқари, бой китоб фондига эга ва замонавий ахборот воситалари билан таъминланган кутубхона аскарлар хизматида. Бу ерда ҳарбий хизматчилар видеомулоқот орқали таниқли шоир-ёзувчилар билан суҳбатлашиш имкониятига эга.

Президентимиз ўқув корпусларида турли мутахассисликлар бўйича ўтказилаётган машғулотлар жараёнини кузатиш.

Ҳарбийларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиши учун барча шароитлар яратаялмиз. Шунинг учун сизлар вақтингизни беҳуда ўтказмай, китоб ўқингиз, чуқур билим олишингиз, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни пухта ўрганиб, ёшларга ўрнак бўлишингиз керак. Чунки ёшлар бизнинг таянчимиз, умидимиз, деди Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди.

Урашувда ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, бунинг учун жойларда ташкил

этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини тақомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрининг "Қумбуз овул" маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган кўп қаватли уйлар ва уларнинг биринчи қаватида жойлашган нодавлат мактабга таълим муассасаси ҳамда оилавий поликлиника билан танишди.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасида аввалги ташрифи чоғида Нукус шаҳрида ижтимоий объектлар, уй-жойлар қурилиши лойиҳалари билан танишиб, болалар боғчаси, оилавий поликлиника кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида жойлаштириш бўйича тавсиялар берган эди. Шаҳарнинг Абдамбетов кўчасида ана шундай лойиҳадаги 5 қаватли 10 та арзон уй қурилди. Ушбу уйлардан иккитасининг биринчи қаватида "Навше" нодавлат мактабга таълим муассасаси ва оилавий поликлиника ташкил этилди.

Давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган "Навше" нодавлат мактабга таълим муассасаси 50 ўринга мўлжалланган. Муассаса болалар онгини ўстиришга қўмақлашувчи турли ўйинчоқлар, методик қўлланмалар билан таъминланган. Инглиз тили, рус тили, шахмат-шашка тўғрисидаги ташкил этилган.

Президентимиз мактабга таълим муассасасидаги шароитларни кўздан кечирди. Боғчалар кўп қаватли уйнинг шундоқ ўзида жойлашган одамларга фарзанди кўзи олдиди, хотиржам бўлишини, бундан мақсад, аввало, аҳолига қулайлик яратиш эканини алоҳида таъкидлади.

8-оилавий поликлиника аввал Нукус шаҳрининг 26-кичик туманидаги мослаштирилмаган бинода жойлашган бўлиб, шароити оғир, тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли имконият йўқ эди. Аҳоли тор доирадаги мутахассисларга кўриниш учун кўп тароққли поликлиникаларга боришга мажбур эди.

10-уйнинг биринчи қаватида барпо этилган 8-оилавий поликлиника ҳудуддаги 8 та маҳалланинг 46 минг аҳолисига хизмат кўрсатади. 250 қатновга мўлжалланган муассасада сифатли тиббий хизмат учун барча шароит яратилган, рақамли рентген аппарати, УТТ, ЭКГ, биокимё анализатори каби зарур тиббий анжомлар билан жиҳозланган.

Поликлиниканинг ўзида ижтимоий дорихона мавжуд. У 500 дан ортиқ жумладан, 55 турдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармонлар билан таъминланган. Дори-лар ўзгармайдиган нарҳларда, арзон сотилади. Муассасада мижозларнинг шифокор қабулига электрон навбатга ёзилиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Одамлар уйда ўтириб, онлайн тарзда навбатга ёзилиши ва белгиланган вақтда шифокор қабулига келиши мумкин.

Президентимиз шифокорлар билан суҳбатда тиббиётга муносабат ўзгарганини, соҳа вакиллари патронаж хизматини манзилли йўлга қўйиши кераклигини таъкидлади.

Оролбўйида экологик вазият оғир. Биз Қорақалпоғистонни тиббий хизмат кўрсатиш бўйича намунага ай-

лантирмоқчимиз. Бизнинг ишимиздан, аввало, одамлар рози бўлиши керак. Қачон рози бўлади? Соғлиғи мустаҳкам бўлса! Шунда кайфияти яхши бўлади, умри узаяди. Энди ҳисобот, статистика билан эмас, одамларнинг кайфияти билан яшаш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Абдамбетов кўчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, "Nukus city" шаҳарчаси қурилиши лойиҳаси билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари иштирок этган видеоселектор йиғилишини шаҳар ва туманларда кенг жамоатчилик вакиллари кузатиб борди.

Инвестиция муҳити яхшиланиши, зарур шарт-шароитлар яратилгани натижасида кейинги икки йилда Қорақалпоғистон янги ҳудудий маҳсулотиди санатнинг улуши 36 фоиздан 41 фоизга ошгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари кўпроқ иш ўринлари яратиш, бунинг учун янги корхоналар ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтаришни ўз олдимишга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, унда амалга ошириш учун бизга, энг аввало, янги авлод кадрлари керак. Ана шундай юксак салоҳиятли кадрларни тарбиялаш мақсадида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида биттадан янги типдаги мактаблар – Президент мактабларини ташкил этишни режалаштирганмиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бу ишни Қорақалпоғистондан, Нукус шаҳридан бошлашни тақлиф қилди. Тақлифни барча қизғин қўллаб-қувватлади. Президентимиз соҳа мутасаддиларига тегишли топшириқлар берди.

Келаси йили Қорақалпоғистонда 2 минг 400 ўринли 7 та мактаб қурилиши, мактабга таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ишлар изчил давом эттирилиши қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус халқаро аэропортида нурунийлар, зиёлилар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди. Очқ ва самимий мулоқотда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидаги ислоҳотлар, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Йиғилганлар ҳамма жойда ва барча соҳаларда ўзгаришлар бўлаётгани, бунинг одамлар ўз ҳаёти, маҳалласи, тумани мисолида ҳис қилаётганини таъкидлади.

Шу билан Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасида ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда ўтган "Нихол" мукофоти танловининг Сурхондарё вилояти босқичида мусиқа ва анъанавий ижрочилик, эстрада, ракс ва опера йўналишларида танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ўз маҳоратини синовдан ўтказган ёш истеъдодларнинг 56 нафари вилоят босқичида голиблик учун баҳслашди.

● Наманганда "Ёш китобхон" республика кўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, олий таълим муассасалари ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда шаҳар ва туманларда сараланган 36 нафар йигит-қиз 10-14, 15-19, 20-30 ёш тоифасида биринчи ўрин учун кураш олиб борди.

● Гулистон шаҳридаги Ёшлар марказида аҳолини, айниқса, ёшларни ватанпарвар, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда кино санъатининг ўрнига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилояти ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари, имомхатиблар, ватан ҳимоячиларининг оила аъзолари ва ёшлар иштирок этди.

● Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги "Маърифат" маҳалласида "Техно mebel invest" масъулияти чекланган жамиятига қарашли, йилгига 1 миллион 200 минг донга трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика иш бошлади. Ҳозирда корхонада 200 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг самарали иш юритиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, яна 200 кишининг бандлиги таъминланади, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам икки баробарга ортади.

ЖАҲОНДА

● Қозоғистондаги Бойкўнғир космодромидан Россиянинг "Союз ФГ" элтувчи ракетасида "Прогресс" юк кемасининг парвози муваффақиятли амалга оширилди. "Прогресс" кислород, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа зарур анжомлардан иборат икки ярим тонналик юкни халқаро космик станцияга етказиб беради.

● АҚШнинг Калифорния штатида ўрмон ёнгинлари тобора авжига чиқмоқда. Жумладан, бу ерда ўн мингдан ортиқ қурилмалар куйиб қулга айланган бўлиб, шундан 9700 тасини уй-жойлар ташкил этади. Ёнгин натижасида 74 киши ҳаётдан кўз юмди, мингдан ортиқ одамлар бедарак йўқолди. Табиий офат 500 квадрат километр майдонни қамраб олган бўлиб, уни жиловлаш йўлидаги барча саяё-ҳаракатлар ҳозирча самара бермапти.

● "Мерседес" жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган Буюк британиялик пойгачи Льюис Хэмилтон жаҳондаги энг нуфузли ва мураккаб "Формула-1" пойгаларининг Бразилияда ўтказилган 20-босқичида галаба қозониб, Гран-при мукофотини қўлга киритди.

МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида Қозоғистон – Ўзбекистон I минтақаларо ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, йирик компаниялар, ҳудудий ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири Файрат ШИРИНОВ уларнинг айримларида интервю олди.

Аваз ХУЖАЕВ, Сирдарё вилояти ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари:

– Қадимдан юртимизда савдо-сотик яхши ривожланган. Буюк Ипак йўли тарихига назар ташласак, савдо ҳамкорлиги кенг тараққий этганига гувоҳ бўламиз. Аждодлар анъанасига мувофиқ, бугунги кунда ҳам юртимизда тадбиркорлик ривожланган, соҳага кенг эътибор қаратилмоқда. Бу борада инвесторларни жалб этиш яхши самара бермоқда.

Қозоғистон – Ўзбекистон ҳамкорлик форумида инвесторлар билан музокаралар олиб бордик. Улар мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳитига катта қизиқиш билдириб, биз билан ҳамкорликка тайёр эканини айтиди. Жумладан, "Новопек" компанияси билан қўйимати 8 миллион АҚШ долларига тенг 2 лойиҳани амалга оширишга келишиб олдик. Икки томонлама савдо уйини очиб бўйича тақлифлар ҳам қўллаб-қувватланди.

Маъзур форум вилоятимизга инвесторларни жалб қилиш, шу орқали янги иш ўринларини яратишга, демакки, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ҚОЗОҒИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ ИСТИҚБОЛЛИ МУНОСАБАТЛАР АСОСИ

Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида Қозоғистон – Ўзбекистон I минтақаларо ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди.



Ўзбекистон делегацияси таркибиди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, йирик компаниялар, республика ва ҳудудий ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди.

Форум доирасида "Чегарадош ҳудудлар савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликларининг истиқболлари" мавзусида ишбилармонлар йиғилиши бўлиб ўтди. Шунингдек, шўба йиғилишлари



ўтказилди. Унда "Марказий Осиёда Буюк Ипак йўлининг йўлакларини. Туризм ривожининг замонавий босқичлари", "Янги имкониятлар сари яқдилликда", "Саноат, транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари", "Агросаноат мажмуаси соҳаси ва сувдан фойдаланишнинг муқобил усулларини амалиётга татбиқ этишда ҳамкорликнинг истиқболлари" мавзусида фикр алмашилди.

Форумнинг асосий мақсади

(Давоми 2-бетда)

Қарор ва ижро

ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Пойтахтимиздаги "Radisson Blu" меҳмонхонасида ўтказилган халқаро тадбир Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш бўйича миллий мақсадлар ва вазифаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилик ва БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қатор вазирлик, идоралар, фуқаролик ва халқаро молиявий институтлар, БМТ агентликлари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар ташкилотлари алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Курманов, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Хелена Фрейзер, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори ва бошқалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланаётгани ва бу жараёнда уларнинг иштироки мамлакатимизнинг барча жабҳаларида замонавий ўзгаришлар ҳамда янгиликларнинг татбиқ этишга кенг йўл очётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қабул қилинган Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар, вазифалар ва уларни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тақдимотининг халқаро ҳамжамият эътиборига тақдим этилиши бунга яққол мисолдир.

Таъкидлаш керакики, Глобал мақсадлар деб аталувчи Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар қашоқликни тугатиш, сайёрани муҳофиза қилиш, шунингдек, барча аҳоли учун тинчлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган умумий дастур ҳисобланади. У ўз ичига 2030 йилгача эришилши лозим бўлган 17 мақсад ва 169 вазифани қамраб олади. Ушбу глобал дастур 2015 йилнинг сентябрида БМТга аъзо барча давлатлар қаторида Ўзбекистон томонидан ҳам маъқулланган.

Бугунги кунда дунёнинг 193 мамлакат ишбу Барқарор ривожланиш бўйича мақсадларни амалга оширишга ўз хохлишини билдирган, — деди БМТнинг Тараққиёт дастури вакили Анвар Мелибоев. — Мамлакатимизда бу борада ҳам саяё-харақатлар бошланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги қарори асосан Барқарор ривожланиш соҳаси-

даги миллий мақсадлар ва вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тақдимоти-нинг ўтказилиши бу борадаги дастлабки қадамлардандир. Асосий мақсад эса халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, гендер тенглиги, барча хизмат турлари, кишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларни яхшилашга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясида қилган маърузасида Барқарор ривожланиш бўйича мақсадларнинг ҳўкуматимиз томонидан қабул қилинган Харақатлар стратегияси билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Чўнки бу ҳар иккала дастур замирида юрт тараққўёти ва халқимизнинг фаровон ҳаёти, бахту келажакнинг яратишдек улкан мақсадлар муҳассамдир.

Инсон ҳўқўқини таъминлаш ва уни ҳўқўқни қилиш кишилик жамияти тараққўётининг барча босқичларида энг асосий ва бош масалалардан бири бўлиб келган. Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида инсон ҳўқўқини муҳим аҳамият касб этиб, у демократик ҳўқўқий давлатнинг энг муҳим белгиси, давлатнинг қай даражада ривожланганлигини кўрсатувчи ўзига хос мезон ҳисобланади.

Шу сабабдан, умумтан олинган халқаро ҳўжатлар ва умуминсоний қадриятлар талабларидан келиб чиққан ҳолда инсон ҳўқўқини тартибга солишга Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида алоҳида эътибор қаратилган. Асосий қонунимизда инсон ҳўқўқларига содиқлик, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқаролар тинчлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланиб, унинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳўқўқлари олий қадрият ҳисобланади, деб белгиланган.

Республикамиз Президентини Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, "Бош Қомусимиз Инсон ҳўқўқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳўжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳўқўқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳўқўқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари асосида инсон ҳўқўқини амалда таъминлаш, бу соҳада ижтимоий адолат таъминлини ҳаётга кенг жорий этиш мақсадида бугунги кун янги ислохотлар босқичида мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Харақатлар стратегиясида инсон ҳўқўқини таъминлаш ва самарали ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жамиятимиз тараққўётининг истиқболлини белгилаб берган ушбу дастурламал ҳўжатда инсон ҳўқўқларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг қўйидаги асосий йўналишлари кўрсатилган: биринчидан, инсон ҳўқўқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали ме-

ханизминини вужудга келтириш; иккинчидан, инсон ҳўқўқлари бўйича халқаро ҳўқўқнинг умумэтирфоқ этилган тамойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш; учинчидан, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш; тўртинчидан, одил судлов ислохотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш; бешинчидан, аҳоли ва мансабдор шахслар, ҳўқўқ тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳўқўқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳўқўқий онги ва маданиятини юксалтириш.

Инсон ҳўқўқини тартибга солишнинг асосий пойдевори ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳўқўқини суд орқали ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хўсусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган сиёсий ҳўқўқлар тизимида айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ ҳўқўқ муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу моддада белгиланишича, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқорға кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагўнча у айбдор ҳисобланмайди, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

ҚОЗОҒИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ ИСТИҚБОЛЛИ МУНОСАБАТЛАР АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қозоғистонда Ўзбекистон йили таҳлилига бағишланган сессияда туризмга инвестиция лойиҳаларини жалб қилиш ва ҳамкорликни чўқурлаштириш каби масалалар муҳокама қилинди. Унда таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалар бўйича ҳамкорлик кенгаймоқда.

Қозоғистондан Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар сони жорий йилнинг ўн ойи давомида салкам 2 миллионга етиб, ўтган йилга нисбатан 500 мингга ортган ижобий ўзгаришлардан дарақ беради.

Тадбир доирасида Қозоғистон – Ўзбекистон бизнес-форуми ишбилармонлар кенгашининг II мажлисида ун ва дон маҳсулотлари етказиб бериш, автотранспорт йўналишларида ҳам меморандум имзоланди.

Айни шу йўналишда Сирдарё вилояти ҳўқимлиги билан ҳам меморандум имзоланди.

Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашнинг замонавий усуллари, халқаро меъёрлар бўйича яқдил тизимни ташкил қилиш истиқболлари, экспорт бўйича янги транзит йўналишларни қўриб кўриш бўйича қабул қилинган мева-сабзавот маҳсулотларига дўн бозорида талаб юқори. Ушбу соҳани жадал тараққий эттириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳўқўқий ҳўжатлар бу каби маҳсулотлар экспортини янада оширишга мустаҳкам замин яратмоқда.

Форум доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг саноат ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўрғазамаси бўлиб ўтди. Кўрғазамани очилиш мароси-

мида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Очилбой Раматов ва Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Асқар Мамин иштирок этди.

Кўрғазмада икки мамлакат ишлаб чиқарувчилари маҳсулотлари намойиш этилди. Таъкидланганидек, ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш, товар айирбошлаш ҳажминини мавжуд талаблар асосида янада ошириш тадбиркорлар учун бирдек манфаатлидир.

Қозоғистон – Ўзбекистон I минтақаларо ҳамкорлик форумида ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида шартномалар, меморандумлар имзоланди, истиқболли келишувларга эришилди.

Файрат ШИРИНОВ, ЎЗА махсус мухбири Тошкент – Чимкент – Тошкент.

МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тимур ДУЙСЕНГАЛИЕВ, "Kazak tourism" миллий компанияси раиси ўринбосари (Қозоғистон):

– Туризм иқтисодиётнинг янги, ўзига хос бўғини саналаиб, ҳар бир мамлакатнинг келажакини белгилаб берадиган муҳим секторга айланди. Бугунга қадар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида туризм йўналишида бир қатор ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Айниқса, ўтган қисқа фўртасида ичида чегаравий масалаларда ҳам ижобий келишўвга эришилгани бу борада муҳим омил бўлди.

Халқаро тажрибага кўра, туризм истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда, шу орқали янги иш ўринлари яратишда асосий роль ўйнайди. Ўзбекистонда ҳам туризмнинг кенг кўламада ривожлантириш учун давлат томонидан бир қатор тўб ислохотлар амалга оширилмоқда. Туризм соҳасида фаолият юритаётганим учун бу жараёни доимий кузатиб бораман. Ушбу форумни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳамкорликда лойиҳаларни қайта кўриб чиқишдир. Бундай ижобий ҳамкорлик иқтисодиётимиздаги ўсиш сўратини таъминлайди.

Ислон ЖАСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари:

– Форумда Қозоғистонда мамлакатимизнинг савдо уйлари ташкил этиш бўйича келишўб олдик. Савдо уйлари тадбиркорлар учун яхши имконият яратди, ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилди. Шу боис, биз бу тақлифларни қўллаб-қувватлаймиз.

Ишбилармонларимиз қозоғистонлик тадбиркорлар билан манфаатли шартномалар имзолади. Икки

мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан келишўб олдик.

Сабир ИСАЕВА, "Kainar-AKB" компаниясининг маркетинг (Қозоғистон):

– Компаниямизда турли хил сизимдаги аккумуляторлар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотимизни Германия, Польша, Португалия, Украина, Покистон, Афғонистон ва Ўзбекистонга экспорт қилмоқдамиз. Жумладан, жорий йилнинг 10 ойида Ўзбекистонга 80 минг 728 дона аккумулятор экспорт қилдик.

Ҳамкорлик форумида Ўзбекистонда компаниямизнинг филиалини очишга келишўб олдик. Келишўвимиз амалга ошса мингта яқин янги иш ўрни яратиш. Бундан биз ҳам манфаатдормиз.

Расул СОДИҚОВ, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси раисининг маслаҳатчиси:

– Форумдаги иштирокимиздан кўзланган мақсад – сифатли маҳсулотларимизни тақдим қилиб, дўстона ҳамкорликни йўлга қўйиб, Қозоғистонга ҳам арзон, ҳам сифатли маҳсулот етказиб бериш; экспорт ҳажминини ошириш.

Айтиш жоизки, ҳар қандай истиқболли лойиҳа захматли меҳнат талаб қилади. Шу маънода, биз пахта тўла ҳўлида эмас, балки тўлиқ қайта ишлашни йўлга қўйдик. Бугунги кунда турли ёшдагилар учун тайёр кийим маҳсулотларини ишлаб чиқариб, жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилаяпмиз.

Қозоғистонда уюшмаимиз тизимидаги 20 га яқин корхона ўз савдо уймаги эга. Ушбу форумда хорижий давлатларга йўналтирилган тайёр маҳсулотларимиз намуналари билан қатнашмоқдамиз ва янги келишўвларга эришишга ишончимиз комил.

(ЎЗА)

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Тошкент шаҳрида пресс-тур ташкил этилди. Унда журналистлар мамлакатимизда ушбу тузилма томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар ижроси билан танишди.

Япония – Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сарможий шерикларидан. Бу каби ҳамкорлик муносабатларини кенгайтиришда JICA алоҳида ўрин тутди. Ушбу ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси мамлакатимиз вазирлик ва идоралари билан ижтимоий, иқтисодий, гуманитар йўналишлардаги ишларни амалга оширишда яқин ҳамкор саналади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган япониялик мутахассислар ўз билим ва тажрибаси билан ўртоқлашиш орқали турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Сўнгги йилларда Агентлик ташаббуси билан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. "Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва назорати", "Қадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиши" (JDS), "Кичик грантлар дастури", "Туракўрган иссиқлик электр станциясини қуриш" лойиҳалари ишлар жумласидан.

Тиббиёт тизимидаги шериклик ҳам JICAning Ўзбекистондаги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тадбир иштирокчилари пойтахтимиздаги Республика Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида бўлиб, бу борадаги ҳамкорлик самаралари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлди.

Марказда JICA томонидан тақдим этилган грант ҳисобига 59 турдаги таъхис ва даволаш асбоб-ускуналари харид қилинган.

Бугунги кунда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган марказда касалликни эрта аниқлаш ва даволаш ишлари бепул амалга оширилмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига миллий марказ даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Зайниддин Бекмуродов. — Ушбу аппаратлар ногиронлиги бор беморларга аниқ таъхис қўйиш бораберида бериладиган тавсияларни асослаш ва нуқсонларни бартараф этиш имконини бермоқда.

Журналистлар пойтахтимиздаги 2-сон Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам бўлиб, сузиш спорти бўйича япониялик кўнгилли мураббий фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Зухра МИРЗАБОВА

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙМОҚДА

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-октябрь ойида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 33 269,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш сўратини 109,8 фоизни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омилли бўлиб, ишлаб чиқаришнинг (қайта ишлаш) саноат ҳажмининг 5,4 фоизга, тоғ-кон саноати ва очик қонларни ишлашнинг – 3,1 баробарга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 5,2 фоизга ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 1,3 фоизга ўсиши ҳисобланади.

Худудларнинг саноат ишлаб чиқариши Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Яшнобод тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 12 % улушини), Олмазор тумани (12 %), Мирзо Улўбег тумани (11 %), Шайхонтоҳур тумани (11 %) ва Сергели тумани (10 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга энг кам улуш Яққасарой (5 %), Учтепа (6 %), Миробод (7 %) туманларига тўғри келади.


Бунда Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш сўратлари Миробод (117,4 %)да, шунингдек, Сергели тумани (115,8 %) ва Олмазор туманларида (115,1 %) кузатишмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-октябрь ойида Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши – 72,9 фоизни ташкил этган.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда энг юқори улуши Учтепа тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 91,3 %), Яққасарой (90,8 %), Олмазор (90,7 %) ва Юнусобод (86,1 %) туманларида кузатилади. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мирзо Улўбег (41,9 %), Миробод (47,7 %) ва Шайхонтоҳур (55,7 %) туманларида кузатилади.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

ИНСОН ҲЎҚЎҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ



Футбол янгиликлари

ДАРВОЗАЛАР ДАХЛСИЗ ҚОЛДИ

Футбол бўйича келгуси йили БААда уюштириладиган Осиё кубогига тайёргарлик кўраётган Эктор Купер бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз Австралияда ташкиллаштирилган ўқув-машғулот йиғини доирасида Ливан терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик баҳсида майдонга тушди.

Айтиш жоизки, бу сафар энгил жароҳати сабаб терма жамоамиз сардори Одил Аҳмедов йиғинга қақирилмади. Шунингдек, индивидуал маҳоратга эга бўлган Сардор Рашидов ҳам Австралияга бормади. Ливанга қарши баҳсида яна миллий терма жамоамиз асосан ҳимояни мустаҳкамлашга ва ҳимоядан ҳужумга ўтишга интилди. Шу боис ҳам биринчи бўлим тенг курашлар остида кечди.

Иккинчи бўлимда галаба қозониш илнжида ҳамюртларимиз ҳужумкор ўйин намойиш этишга интилишди, рақиб дарвозаси олдида кўп марта хавфли вазиятларни содир этишди. Ўйин якунланишига ярим соат вақт қолганида рақибга кўполлик ишлатгани учун Даврон Ҳошимов ҳакам томонидан қизил карточка билан жазоланди. Ҳамюртларимиз бир киши кам ҳолатда ҳам ёмон ўйнашмади. Аммо ўйин охирига қадар дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Энди Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жанубий корейлик чарм тўп усталари билан ўртоқлик баҳсида куч синашади.

ТЕРМА ЖАМОАЛАРИМИЗ ЛИБОСЛАРИДА МИЛЛИЙЛИК АКС ЭТАДИ

Аввал хабар қилинганидек, ЎФА жорий йилнинг 25 октябрь кунин Германиянинг JAKO компанияси билан ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома имзолаганди.

Келишувга кўра, ушбу фирма терма жамоаларимиз учун турли хил экипировкалар етказиб бериши лозим. Эътиборли жиҳати, айна кунларда компания томонидан Ўзбекистон миллий терма жамоамизга махсус дизайндаги либослар тайёрланмоқда. Ушбу либосларда миллий терма жамоамиз келгуси йилнинг январь ойида БААда уюштириладиган навбат-

даги Осиё кубогига юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Хуллас, Осиё кубогидан бошлаб, JAKO компанияси либосларида майдонга тушадиган Эктор Купер шогирдларида мўхлислар фақат галабалар кутишга ҳақли. Дарвоқе, махсус дизайндаги экипировкаларда миллийлигимиз белгилари акс этиши кўзда тутилган.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси зиммасига 2020 йилда Япониянинг Токио шаҳрида ташкиллаштириладиган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш вазифаси юклатилган.

ЎФА мутасаддилари олимпия терма жамоамизни хорижлик тажрибали мутахассис бош мураббий сифатида бошқаришни таъкидлаб ўтишган эди. Айна кунларда ЎФА олимпия терма жамоамиз бош му-

раббийси бўлиши мумкин бўлган хорижлик мутахассислар билан музокараларни давом эттирмоқда. Олимпиячиларимизга хорватиялик Ненад Грачан, испаниялик Хуан Санчес Македа, италиялик Мас-

симо Фиччаденти ёки сербиялик Любинко Друлович бош мураббий бўлиши мумкин. Ҳозирда ушбу мутахассислар билан музокаралар давом этмоқда.

Ақбар ЙУЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурдаги Малака ошириш марказига педагог ходимларнинг лавозимларини жамлаш учун қуйидаги йўналишлар бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

1. Солиқлар ва солиққа тортиш;
2. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
3. Махсус фанлар (Молия, иқтисодиёт, информацион технологиялар, юридик).

Мазкур йўналишлар қуйидаги лавозимларни ўз ичига олади:
 - кафедра мудири;
 - профессор;
 - доцент;
 - катта ўқитувчи;
 - ўқитувчи.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШУВЧИЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:

- Директор номига ариза;
- сўровнома;
- таржимаи ҳол;
- 1 дона 4x5 ҳажмдаги фотосурат (сўровномага ёпиштирилган ҳолда);
- иш жойидан тавсифнома (ҳужжат топширгунга қадар ишлаган бўлса);
- олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
- кафедра мудири, профессор номзодларига;
- фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- чоп қилинган илмий ишлари ҳақида маълумотлар;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Эълон чиққан кундан бошлаб ҳужжатлар бир ой давомида қабул қилинади.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 3-уй, Малака ошириш маркази биноси, 210-хонада қабул қилинади. Тел: (71) 230-16-36.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШУВЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:

Кафедра мудирига:

- Мазкур кафедралар йўналишлари бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлиши зарур.
- Йўналиши бўйича камида 5 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Профессорларга:

- Тегишли йўналишлар бўйича профессор илмий унвонига ёки фан доктори илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлиши.
- Камида 5 йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлиши, ушбу кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлиш шарт билан бир муддатта иштирок этиши мумкин.

Доцентларга:

- Йўналишлар бўйича доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан доктори (номзоди) илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлиши зарур.
- Камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам бир муддатта қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи ва ўқитувчиларга:

- Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга;
- Дунё OTM бўйича 300 та ўринда турган таълим муассасаларини битирган ва Ph.D дипломига эга бўлган.

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давергеодезакадастр қўмитаси томонидан тасдиқланган жадвал асосида жорий йилнинг 29 ноябрь кунин Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Мирзо Улугбек туманларида Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчма мулк кадастри давлат корхонаси раҳбарияти томонидан соҳага оид масалалар юзасидан Жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабули ўтказилади. Ушбу сайёр қабулда барча соҳага оид саволлар билан иштирок

этишингиз мумкин. Сайёр қабул ўтказиш вақти: 29 ноябрь кунин соат 10:00 дан соат 13:00 га қадар корхонанинг Олмазор туман филиалида. Манзил: Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 54-уй. 29 ноябрь кунин соат 15:00 дан соат 18:00 га қадар корхонанинг Мирзо Улугбек туман филиалида. Манзил: Мирзо Улугбек тумани, Аҳиллик кўчаси, 3-уй. Маълумот учун телефонлар: 71 231-68-51, 71 233-14-59.

ELEKTRON ONLAYN LIKSIONLARINI TASHKIL ETISH MARKAZI томонидан 27.08.2018 йилда "TEXTYLE DENTAL SERVICE BUKHARA" МЧЖга берилган ОА 002259-сонли баённома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти Чиноз тумани 17-сонли мактаб томонидан 1994 йилда Бақараева Гулмира Курбоналиевна номига берилган № 440646 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"101" УЙ-ЖОЙЛАРИМИЗНИ ЁНГИНДАН САҚЛАЙЛИК!

Шаҳримизда барпо этилаётган хусусий уй-жойлар қурилиши кундан кунга кўпайиб бормоқда. Фуқароларимиз барпо этиётган иморатлар ихчам, қулай ва кўркам бўлиши билан бир қаторда арзон, камчиқим бўлиши давр талабидир.

Ҳозирда фуқароларимиз илгор қурилиш тажрибалари, фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда хоридан келтирилган ёки қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли қурилиш материалларидан унумли фойдаланишмоқда. Лекин шунга қарамай ёнгинлар содир бўлмоқда.

Кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун ҳар доим белгиланган қоидаларга амал қилишни яна бир бора эслатиб ўтамиз. **Содиқ ХАЛИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, сержант**

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида "тилсиз ёв"нинг олдини олиш бўйича ўқув-шуғуллар ўтказиб келинмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан қўланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгинга қарши курашни қуйайтириш, уларни жалб қилишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шior барча фуқаро, оилалар, корхона ва ташкилотта тааллуқлиги эканлигини унутмаслик лозим.

Сардор АЗИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Газ печларидан фойдаланишда эътибор ва ҳушёрлик талаб этилади. Айрим хонадон эгалари газ анжомларига резина шланглар улаш ёки хонани иситиш мақсадида газ плитасини ёниқ ҳолда қолдиришмоқдалар.

Бунинг оқибатида ўйда мавжуд бўлган инсонларнинг исгаздан заҳарланиб, ҳалок бўлиш ҳолатлари кузатишмоқда. Пойтахтимизнинг барча гушаларида ўтказилаётган "Ёнгин профилактикаси кунин" тадбири доирасида аҳоли турар жойларида иситиш печларидан фойдаланиш қоидалари, ёнгин оқибатида содир бўлаётган кўнгилсизликлар ҳақида маълумотлар берилмоқда.

Ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида барчангизни ҳушёр бўлишингизни сўраб қоламиз. **Лазиз ИРГАШЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ЕН ва ПБ бош мутахассиси, подполковник**

Безан турли мавсий хизмат кўрсатиш масканлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин хавфсизлиги талабларига эга тарзда фаолият юритаётганлигига дуч келамиз.

Буларни асосан ишлаб чиқариш корхоналарида учратишимиз мумкин. Белгиланган қўнун-қоидаларга риоя қилмаслик давлат ва ўзгаларга тегишли бўлган мол-мулкка зарар етказишига олиб келади.

Кич мавсумида барчамиз газ тармоғи ва ўрнатилган дудбуронларнинг созлиги, ўтказилган электр симларнинг қонда талабларига жавоб беришига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Ислом ҲУСАНОВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант

Биз кундалик ҳаётимизда оловдан деярли ҳар кунин фойдаланамиз: у хонадонларимизни иситади хуллас, оловсиз инсон ҳаётини тасаввур қилиш қийин.

Турар жой бинолари ва иш жойларида электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситалар улаш, электр асбобларини каровсиз қолдириш, улардан ёнгин хавфи бор жойларда очиқ ҳолатда фойдаланиш мумкин эмас. Шунингдек, табиий газдан нотўғри фойдаланиш ҳам турли ёнгин ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан белгиланган қоидаларга амал қилиш муҳимлигини унутманг!

Нурило ҲАЙДАРОВ, Шайхонтоҳур тумани ЕН ва ПБ ўринбосари, майор

Ҳар бир кўнгилсиз ҳодиса, кимнингдир лоқайдлиги ва бепарволиги оқибатида келиб чиқishi хеч кимга сир эмас.

Шаҳсий хонадонлар ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг газ ва электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиши оқибатида ёнгинлар келиб чиқмоқда. Оммавий аҳборот воситалари орқали берилаётган тушултириш ишларига қарама-қарши аҳоли ўз вақтида хулоса чиқараётганлиги сабабли ёнгин ҳолатлари ўраб турибди.

Уйлардаги газ ва электр тармоқларида юзага келган носозликларга жиддий қараш, уларни ўз вақтида тузатириб олиш ёнгин хавфини анча камайтиради.

Шухрат ҒОҒУРОВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Азизов Абдухалил Абдурасулович номига 04.06.2018 йилда берилган давлат рақами белгиси 01 В 358 СВ бўлган Chevrolet Lacetti русумли автомобиль учун Автомобил транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида (СТИР 30912790221709) гувоҳнома йўқолганлиги сабабли уни муҳофот авазига қайтарилишини сўраймиз. Тел: (98) 312-00-56, (91) 191-28-56.

Жаҳон тиллари университети томонидан Хурсанов Шухрат Хурсановичга 2006 йилда берилган В № 260362 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ИИБ академияси томонидан 2004 йилда Хамдамов Зафар Рустамович номига берилган рўйхат рақами 16938 бўлган В № 149455 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗГИДРОМЕТ
 ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 20 ноябрь кунин ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан гарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундида 7-12 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечиб 3-5, кундузи 8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 20 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.